ҚОНУН ВА ҚАДРИЯТ, МАФКУРА ЁШЛАРНИНГ СИЁСИЙ МАДАНИЯТИГА ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ ОМИЛ

ЎзМУ. Ижтимоий фанлар факультети
катта ўқитувчиси Парманов С.А.

This article highlights legislation, ideology and values as factors influencing the political culture of the youth of Uzbekistan.

В данной статье законодательство, идеология и ценности выделена как факторы, влияющие на политическую культуру молодёжи Узбекистана

Калит сўзлар: ёшлар, сиёсат, мафкура, қонун, қадрият

Ключевые слова: молодежь, политика, идеология, право, ценности.

Мамлакатимиз мустақиллигининг илк кунларидан бошлабоқ, ёшлар ва уларнинг келажаги ҳақида ғамхўрлик қилиш масалаларига устувор даражада эътибор қаратила бошланди. Зероки, жамиятимизни демократлаштириш фуқаролик жамиятини қарор топтириш мақсадлари заминида аслида инсон манфаатлари, юртимизнинг, тараққиётимизнинг таянчи ва суянчи бўлган ёшлардир. Мамлакатимизда 2016 йил 12 август

куни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, 24 август куни Сенат томонидан маъқулланган ва 14 сентябрь куни имзоланган “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонун келажагимиз эгалари ҳаётида муҳим тарихий воқеа бўлди. Қонун ҳақидаги ҳужжат 15 сентябрь куни республикамизнинг марказий нашрларида чоп этилди ва шу кундан бошлаб кучга кирди.[123] Ҳар бир даврда ёшлар жамиятнинг ҳал қилувчи кучи бўлиб келган. Шу билан биргаликда ёшлар тарбияси, уларнинг муаммолари илғор фикрли кишилар назаридан четда қолмаган. Ёшларга эътибор бериш, уларнинг таълим- тарбияси, дунёқарашини бойитиш борасида Ўзбекистонда ўзига хос тажриба тўплаган. хусусан, ёшларимиз тарфаккурига сингдиришга қаратилган ишларни амалга оширилиши, уларнинг самарадорлигини кучайтириш билан боғлиқ кўпгина назарий масалаларни ҳал қилиш ниҳоятда долзарб моҳият касб этмоқда.

Албатта, **ёшларни янгиланаётган демократик,** инсонпарвар жамиятга муносиб қилиб тарбиялаш ўз навбатида улар ижтимоий кафолатини ҳам таъминлашни тақозо қилади.

Маълумки, ёшларда ватанпарварлик хиссини шакллантиришда халқимизнинг бой тарихий, маданий-маънавий мероси билан бирга, қадриятлар ҳам муҳим роль ўйнайди. Қадриятларнинг моҳиятини билиш, уларни ўзлаштириш ёшларда ватанпарварлик, миллий ғурур, миллий ифтихор, миллик бирлик ва бирдамлик туйғусини, инсонпарварлик, халқпарварлик, адолатпарварлик, халоллик, поклик меҳнатсерварлик фазилатларини шакллантиришда катта ўрин тутади.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек: “Албатта ҳар қайси халқ ёки миллатининрг маънавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъаналари, ҳаётий, қадриятлардан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Бу борада табиийки, маънавий мерос, маданий бойликлар, кўҳна тарихий ёдгорликлар энг муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилади. Ёшларда ватанпарварликнинг шаклланиши – уларнинг миллий ва умуминсоний қадриятлар муштараклигини англаб етиш билан боғлиқ. Ватанпарварликни шакллантиришда халқ миллий тараққиёти, тарихи, маданияти, санъат ва адабиёти, турмуш тарзи, ахлоқи, эътиқоди, ижтимоий руҳияти билан боғлиқ бўлган урф-одатлар, маросимлар, анъаналар алоҳида эътиборга молик қадриятлар саналади. Шунингдек, “Ёшларда ватанпарварликни шакллантиришга кучли таъсир этадиган қадриятлар жумласига – она тили ва адабиёт, миллий, диний байрамлар, ҳар хил миллий маросимлар, оилапарварлик, болажонлик, ота-она, қўни-қўшни, қариндош-уруғ, маҳалла-кўй, кексаларга ҳурмат, меҳр-мурувват, раҳм-шавқат, халоллик, поклик, имон-эътиқод, ватанимизнинг гўзал табиатидан илҳомланиш, уни асраш маданиятига эга бўлиш каби фазилатлар киради. Шу муносабат билан алоҳида таъкидлаш жоизки, ватанимиз ёшларни халқимиз миллий урф-одатлари, қадриятлари ва анъаналарига садоқат руҳида тарбиялашда мам Мафкура инсон маънавий ҳаётига таъсир этувчи тарғиботнинг ғоят катта ахборот ва тажрибага эга бўладиган машинаси сифатида гавдаланади. Мафкуравий тарғибот-ташвиқот “психологик уруш” сифатида одамлар ақл-заковати, уларнинг дуёни тушуниш, ҳаётий социал ва маънавий ниятлари учун кураш қуролига айланди. Мафкура ҳозирги ҳаётга фаол кириб бориши билан бирга ижтимоий ҳаётдан намоён бўлаётган маънавий кучларни озиқлантирмоқда, ўз социал тарбиявий салоҳиятини доимий орттириб бергани ҳолда кишиларнинг маънавий турмушига таъсир этмоқда. Мафкура – кўп қиррали ва мураккаб жараёнлар таркиб топади, бинобарин ундан яхшилик ва ёмонлик мақсадларида фойдаланиш мумкин. Мафкура сиёсий барқарорликдан манфаатдор кучлар учун асосий ҳаётни издан чиқариш қуроли, шунингдек сиёсий маданиятни шакллантириш учун фойдаланадиган кураш воситаси бўлиши мумкин. Мафкуранинг бундай таъсири физиологик ва психологик жиҳатдан хали шаклланиш босқичида бўлган ёшлрга аҳолининг бошқа қатламига нисбатан кўпроқ, сезилиши табиий

[123] Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонун Олий Мажлис қонунчилик палатасининг “Ахборотномаси”-Т.: 2017.

хол, албатта. Чунки ёшлар онги, тафаккури, дунёқарашида маънавий-руҳий шаклланиш жараёни кечаётгани боис, уларда ҳаётга қизиқувчанлик, шароитга мослашувчанлик, ишонувчанлик жуда юқори бўлади. Бу эса, ёшларни осонгина мафкура объектига айлантиради, натижада ёшлар мафкуранинг илғор ривожлантирувчилари, ҳаракатлантирувчилари ва келажак авлодга етказувчи ворисларига айланади. Ёшлардаги бундай хусусиятлар реакцион мафкуравий кучларнинг ёшлар онги ва фаолиятида лоқайдлик, беқарорлик уруғини сочиш мақсадларида жуда қўл келмоқда. Сиёсий бўхтонларни тарқатиш орқали ёшларнинг онги ва шуурини забт этиб қарашларини маъқул йўналишга ўзгартириб, улардан ҳар қандай ёвуз ниятларда, ҳатто ўз халқи, Ватанига қарши курашларда фойдаланишга уриниш реакцион мафкуравий кучлар дастури самарасини таъминламоқда. Бундай мафкуравий тазйиқнинг таъсири ва салбий оқибатларини тезда турини англаш, айниқса, илмий-техникавий инқилоб шиддатли суръатлар билан ривожланаётган бугунги кунда нияҳотда мушкул. Бу ёшлардан мафкуравий жараёнларнинг прогрессив ва уларни бирини иккинчисидан ажрата билишни талаб этадиган мураккаб, алоҳида ўрганиш керак бўладиган жараёндир. Ёшларнинг сиёсий маданиятини шакллантириш орқали, уларга илмий, ғоявий, мафкуравий, сиёсий, маданий, маънавий, жисмоний, руҳий жиҳатдан ўстириш тўғрисида ғамхўрлик қилиш демакдир. Мафкура инсон онги, сиёсий қарашлари ва сиёсий маданиятини шакллантиришда ҳамда унинг ҳаётда ўз ўрнини топишида катта роль ўйнайди. Бу унинг ғоявий- тарбиявий ишлар тизимида ёшлар сиёсий маданиятини шакллантириш учун кучли қурол бўлишидан далолат беради.лакатимизнинг оммавий ахборот воситаларининг роли беқиёс каттадир. Жамият ва давлат тараққиётининг ҳозирги шароитида демократик ислоҳотлар субъектлари, ёшларнинг социал-маданий, қиёсий қиёфасидаги ўзгаришлар ўзига хос икки турдаги қарама-қарши характерда намоён бўлмоқда. Ўзбекистон Республикасида ёшлар манфаатларини таъминлаш бўйича ҳуқуқий база мавжуд, фуқаролик жамият қуриш асосларида ёшлар иштироки таъминланган ёшларнинг ўниб-ўсиши ва комил шахс сифатида камол топиши учун давлат томонидан махсус таълим, саломатлик, спорт ва бошқа турдаги инфратузилмалар яратилган. Демак, ёшлар сиёсати – демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва инсонлар эркини таъминлаш борасидаги ҳар бир устувор йўналишларда ўз куч-қуввати, билими, салоҳияти, идрок ҳамда журъатини кучайтиришга қаратилган сиёсатдир.

Хуллас, Ўзбекистон қонунчилиги тамонидан ёшлар манфаатларини ҳимоя қилишда бир қанча қонунлар, фармон ва фармойишлар ишлаб чиқилди, уларнинг ижросини таъминлашни такомиллаштириш ва назоратини кучайтириш керак. Чунки, **қонунни** қабул қилиш осон лекин унинг ижросини таъминлаш мураккаб. Ёшларнинг интеллекутал салоҳиятини юксалтириш ниҳоятда муҳим аҳамият касб этиб бораётганини ҳисобга олиб, оммавий ахборот воситалари томонидан интеллектуал бойликка интилиш кўникмаларини ёшларимиз хулқ-атворида ва тафаккурида чуқур қарор топтириш масалаларига жиддий эътибор қаратилмоғи лозимдир. Салоҳиятли ёшларни четга чиқиб кетишга бўлган мойилликларининг туб моҳиятини ўрганиб чора тадбирлар ишлаб чиқиш зарурияти пайдо бўлмоқда.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO‘YXATI

1. Аликулов, С. Т., & Махкамов, Ш. С. (2018). Дидактическая компетентность педагога. In Развитие интеллектуально-творческого потенциала молодежи: из прошлого в современность (pp. 150-152).
2. Махкамов, Ш. (2024). Davlat boshqaruv tizimining vujudga kelishi hamda davlat va uning moxiyati. Новый Узбекистан: наука, образование и инновации, 1(1), 379-382.
3. Norqo‘ziyev, Q., Aynakulov, T., Mahkamov, S., & Sodiqov, D. (2024). IMPLEMENTING MOBILE ROBOT WALKING PATH CONTROL AND TRACKING IN C# WINDOWS FORM APPLICATION. International Journal of scientific and Applied Research, 1(3), 95-99.